2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

23 (625)

2008 йил 4 июнь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Ниёзбортирнинг ботирлари бир-биридан ўзади
- Яшиндан яшринмаганнинг ҳолига вой!

3
- «Темир ўпка» панд берди-я...
- «Меҳрингизга, тафтингизга тўймадим-ку, онажон?!.»

4
- Швейцарияга йўлланма нақд!
- Шошилган кўп тойинади, тойинган кўп йиқилади!

Саҳифада

Тошкент шаҳри

Қарор ва ижро

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган Истиқлол маҳалласи аҳли Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорини мамнуният билан кутиб олди. Айни пайтда маҳаллада ушбу тадбирни муносиб нишонлашга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

ИСТИҚЛОЛга келган САЙЁҲЛАР

Яқинда Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент Давлат юридик институти ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини томонидан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. ТДЮИ доценти, тарихшунос олим Жумабой Раҳимовнинг пойтахтимиз тарихи, бу ерда мустақиллик йилларида олиб борилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тўғрисидаги маърузаси тадбир қатнашчиларига манзур бўлди. Ҳуқуқшунос Маҳбуба Ҳамидованинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмунмоҳияти, унинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз аксини топганлиги ҳақидаги маърузаси ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

— Кейинги йилларда маҳалламизда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Буни биргина Президентимиз ташаббуси билан бутунлай янги қиёфада қад ростлаган Ҳазрати Имом мажмуаси мисолида ҳам кўриш мумкин,— дейди Истиқлол маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулхумор Турсунова. — Ҳозирги кунда ушбу меъморий обидаларни зиёрат қилиш мақсадида юртимизнинг турли бурчакларидан ва хориждан кўплаб сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан уларнинг сони янада ортиши шубҳасиз. Бу маҳалла аҳли ва фаолларига катта масъулият юклаши табиий. Шуни назарда тутиб, муҳим санани муносиб нишонлашга жиддий тайёргарлик кўряпмиз. Бугунги тадбир ҳам ана шу тайёргарлик ишлари доирасида ўтказилди.

Ш.ЭРГАШЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Майдон мезбонлардан, гол уриш меҳмонлардан бўлибди-да!..

Қашқадарё вилояти

Депутат сайловчилар билан учрашди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Саидов вилоятда бўлиб, Ғузор молия-иқтисод ва Нишон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежларида учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарасини ошириш мақсадида катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина қонун ва қонунчилик нормалари қабул қилингани ҳамда улар бугунги кунда муваффақият билан амалда жорий этилаётгани ҳақида сўз борди. Табиийки, буларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиётини юксалтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш, юртимизни янада обод этиш, халқимизнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш борасида муҳим омил бўлмоқда.

Айниқса, «Ёшлар йили» Давлат дастурида бошқа кўплаб соҳалар қатори ёшларнинг, болаларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний асосни такомиллаштириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилган.

Депутат А.Саидов, шунингдек, юртимизда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги конституциявий асосда эътироф этилишига учрашув иштирокчиларининг эътиборини қаратди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича олтмишдан зиёд халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчиси сифатида ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни мунтазам равишда бажариб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини ҳаётимизга теран татбиқ этиш йўлида изчил ва тизимли ишлар йўлга қўйилгани алоҳида эътиборга сазовор. Президентимизнинг 2008 йил 1 май куни имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатдир. Айни вақтда республикамизда мазкур Декларациянинг 60 йиллигига бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Тадбир якунида йиғилганларга Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси матни ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа бир қанча адабиётлар тарқатилди.

МУХБИРИМИЗ



Айни кунларда юртимиз ғаллакорлари ўрим-йиғим ишларини бошлаб юбордилар. Халқимизда «Бахт — тилакда эмас, билакда», деган мақол бор. Бу мақол бежизга айтилмаган, албатта. Заҳматкаш ғаллакор деҳқонларимиз меҳнатлари маҳсули — буғдой бошоқлари шовуллаб турган бепоён ғаллазорларни кўриб бир бахтни туйсалар, ўзлари етиштирган ғалладан олинган мўл ҳосил туфайли халқимиз дастурхони тўкин бўлишини ўйлаб яна бир ифтихорни ҳис қиладилар.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

«Mahalla» хабарлари

Қорақалпоғистон Республикаси

«ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН»

Нукус шаҳрида чевар хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган кўрик-танлов шундай номланди. Унда 21 та маҳалладан вакиллар иштирок этиб, миллий ва замонавий услубда тикилган либослар намойиш қилинди.

Танловда Қурувчи маҳалласилик Бибигул Давлетёрова тайёрлаган либослар биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек, Қўскўл ҳамда 14-маҳалла вакиллари Гулнора Сейтекова ва Улбўсин Шамшетовалар ҳам ғолиблар сафидан ўрин олишди.

Танловда юқори натижаларга эришган чеварлар шаҳар ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Асил БЕК

Хоразм вилояти

Урганч шаҳрида вилоят ҳокимлиги, "Оила" маркази ташаббуси билан оила ва маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга бағишлаб тадбир ўтказилди.

ОИЛА МАҲАЛЛАГА, МАҲАЛЛА ОИЛАГА КЎМАКЧИ

Ушбу анжуманда сўзга чиққан Республика "Оила" илмий-амалий маркази раиси Васила Каримова оила ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Тадбирда вилоятда бу борада эришилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилиб, Янгибозор туманидаги Қаландар Дўрмон маҳалласининг ибратли тажрибалари вилоят ва республика миқёсида оммалаштиришга лойиқ, деб эътироф этилди.

Анжуманда вилоят ҳокими О.Оллаберганов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси К.Жумамуродовалар иштирок этди..

Абдулла САФОЕВ

Жиззах вилояти

ҲАМ МАСЛАҲАТ, ҲАМ ХИЗМАТ

Зомин туманида «Саломатлик маслаҳат маркази» ташкил этилди.

Тумандаги мавжуд 86 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини, бешта касб-ҳунар коллежи ва 79 та умумтаълим мактаблари қошида мазкур марказнинг бўлимлари очилди. Уларга туман марказий касалхонасининг тажрибали шифокорлари бириктириб қўйилган.

«Саломатлик маслаҳат маркази»нинг бўлимлари учун махсус хоналар ажратилиб, улар керакли асбоб-ускуна, жиҳозлар ва тиббиётга оид қўлланмалар билан таъминланган.

— Маҳаллаларда бундай бўлимларининг ишлаши йирик аҳоли қўрғонларидагина эмас, балки олис овулларда ҳам фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда уларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини яратди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Пўлат Тожибоев.

А.ҚАРШИЕВ

Юртимиз спортчилари довруғи

ЎЗБЕКИСТОН – СИНГАПУР: 7-3

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатига чиқиш учун ўтказилаётган саралаш мусобақасининг навбатдаги сафар учрашувини 7:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Тўртинчи саралаш гуруҳидан жой олган Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган футболчиларимиз учинчи турни Сингапур терма жамоасига қарши ўтказди. Беллашув меҳмон сифатида тўп сурган ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг ҳужумлари билан бошланди. Бунинг самараси ўлароқ, қитъамизнинг 2008 йилдаги энг кучли ўйинчиси танловида ғолибликка даъвогар — Темур Копадзе ўнинчи дақиқадаёқ ҳисобни очди. Лекин терма жамоамиз ҳимоячиларининг биринчи бўлимда бир неча маротаба хатога йўл қўйиши оқибатида Александр Дурич ҳисобни тенглаштирди.

Гарчи Виктор Карпенко йигирма иккинчи дақиқада гол киритиб, ҳамюртларимизни ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлса-да, мезбонлар 31- дақиқада Мустафиқ Фахрудиннинг пенальтидан киритган голи эвазига яна вазият тенглашди.

Қолган вақт мобайнида футболчиларимиз ҳужумни янада кучайтирди ва Сервер Жепаров иккита, Виталий Денисов, Азиз Иброҳимов ҳамда Максим Шацких биттадан гол уриб, терма жамоамизнинг йирик ҳисобдаги ғалабасига замин яратди. Мезбонлар вакили Жон Уилконсоннинг аниқ зарбаси эса ҳисобни қисқартирди, холос. Сафар учрашувида 7:3 ҳисобида зафар қучган Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўққиз очко билан тўртинчи гуруҳда пешқадамлик қилмоқда.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда навбатдаги босқичга чиқишга даъвогарлик қилаётган яна бир терма жамоа — Саудия Арабистони футболчилари Ар-Риёд шаҳрида Ливан вакилларини қабул қилиб, 4:1 ҳисобида ғалабага эришди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Россиянинг Нижний Тагил шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари ҳам навбатдаги рейтинг жангларини ўтказди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЗАФАРИ

Профессионал рингда бунгача тўққизта беллашувда зафар қучган 28 ёшли боксчимиз Шерзод Ҳусанов ўнинчи жангини россиялик Антон Димидкинга қарши ўтказди. Олти раундлик жангда ҳамюртимизга рақибидан ҳар томонлама устунлигини исботлаш учун бир неча сония кифоя қилди. Биринчи раундда Ш.Ҳусановнинг кучли зарбасига йўлиққан А.Димидкин соф нокаутга учради. Ўзбек боксчиси кетма-кет ўнинчи ғалабасини нишонлади.

Иқтидорли ёш боксчимиз Илҳом Раҳимов эса профессионал боксдаги биринчи жангини йигирма тўққизинчи маротаба рингга кўтарилган россиялик Равил Муҳаммадяровга қарши ўтказди. Россиялик боксчининг тажрибаси ҳамюртимизникига нисбатан катта бўлса-да, И.Раҳимовнинг маҳоратига тан беришга мажбур бўлди. Тўрт раундга мўлжалланган жангнинг дастлабки сонияларида боксчимизнинг кучли зарбасини ўтказиб юборган Р.Муҳаммадяров нокаутга йўликди.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ҳақида мулоҳазалар

ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚ ОСОН ЭМАС!

Маҳалладошлар ишонч билдирган йиғин раисларининг аксарияти бунинг уддасидан чиқмоқдалар

Ҳар қандай жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш тараққиётнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий саводхон, жамиятда юз бераётган воқеликларни тўғри ва теран таҳлил қила оладиган даражада сиёсий-ижтимоий дунёқараши кенг фуқароларнинг сафи кенгайиши нафақат мамлакатимиз, балки ҳар бир маҳалла, қишлоқнинг равнақ топиши ва обод бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳар қайси фуқаролар йиғинига бошчилик қилувчи киши, яъни йиғин раиси ана шундай фазилатлар эгаси бўлмоғи шарт. Энг муҳими, илғор, бунёдкорлик ва яратувчанлик кайфиятидаги кишиларнинг куч-қувватини эзгу мақсадлар сари йўналтира олиш билан бирга барча маҳалладошларини сиёсий-ижтимоий фаол, ҳуқуқий саводхон, замонамиз руҳига мос равишда меҳнаткаш ва бунёдкор бўлишга чорлай билиши, ҳуллас, кўпнинг кучини бирлаштиришга эришмоғи шарт. Бажарилиши анчайин осон бўлмаган бу юмушнинг уддасидан чиққан кишигина ўз лавозимига муносиб ва лойиқ оқсоқол деб ҳисобланишга ҳақли.

Маълумки, йиғин раиси ўз вазифалари ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда турли ёш ва турли касбдаги, дунёқараши ва феъл-атвори турлича кишилар билан мулоқот қилади. Қолаверса, раиснинг иш вақти ҳам чегара билмайди. Дам олиш кунлари, байрам саналарида ҳам унинг маҳалла фаолияти ва ҳаёти билан боғлиқ юмушлари сероб. Маҳалладошларни бирлаштириш, уларни хайрли ишларга жалб қила олиш, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг ташвишу муаммоларидан бохабар бўлмоқ йиғин раисидан ўз тинчи-оромидан кечиб, эл-юрт тинчлиги, маҳалласи равнақи учун фидойи бўлишини тақозо этади. Оқсоқоллик фаолиятининг мана шу жиҳатларини ҳисобга олсак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раисларини сайлашга катта масъулият билан жиддий ёндошмоқ талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни 13-моддасида фуқаролар йиғинлари раисининг ваколатлари тўлиқ баён этилган. У эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар ҳам шу Қонуннинг 15-моддасида «... ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак» дея, аниқ кўрсатилган.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг 2006 йил май-июнь ойларида ўтказилган сайловларида туманимиздаги 38 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раис (оқсоқол)лари ва уларнинг 294 нафар маслаҳатчилари сайланган эди. Шундан буён ўтган давр мобайнида ҳар бир йиғин раиси ўз маҳалладошларининг ишончини оқлашга интилиб ишламоқда, уларнинг аксарияти бунга эришмоқда. Ташаббускор йиғин раислари сайъ-ҳаракатлари самараси ўлароқ, маҳаллаларда аҳолига маиший, маданий, тиббий, савдо ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олди. Бандлик муаммоларини ижобий ҳал этиш борасида тегишли масъуллар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар қўлланмоқда. Шунингдек, кам таъминланган фуқаролар ва оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу юмушларнинг барчасига халқ ишончини қозонган, ўз ишига фидойи оқсоқоллар бош-қош бўлишмоқда. Айниқса, тумандаги Чорбоғ, Жумабозор, Баҳористон, Гулистон, Соинқоровул каби қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари И.Шарипов, Н.Тошев, И.Мақсудов, Б.Аллабердиев, Ҳ.Ғойировлар, шунингдек, Ўзбекистон, Баёт, Бунёдкор, Пичоқчи, Жумабозор каби маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари П.Йўллиев, К.Камолов, С.Нарзуллаев, Д.Аймуродов, Б.Қурбонов, О.Худдиевлар каби маҳалла-кўй юмушига фидойи инсонлар ҳудуддаги муаммоларни ечишда қишлоқ аҳлининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш билан бирга, аҳолини ташвишга солаётган муаммо ва камчиликларга тегишли соҳа масъулларининг эътиборини қаратишга эришмоқда.

Бахтиёр ВОҲИДОВ,
«Маҳалла» жамғармаси
Олот тумани бўлинмаси раиси.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«М.Р» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

2008 йил — Ёшлар йили

Андижон вилояти

МАҲДРАТ МАКТАБИ

бу ерда бўлажак ҳарбийлар камол топмоқда

Асака тумани Ниёзботир қишлоғидаги ҳарбий-спорт мактаб-интернатида ёшларни маънавий баркамол ва жисмонан соғлом қилиб камол топтириш учун барча имкониятлар яратилган.

Айни пайтда мазкур ўқув даргоҳида 320 нафар ўқувчига қирқ нафарга яқин малакали ўқитувчи, взвод ва гуруҳ командирлари таълим-тарбия беришмоқда.

Бугунги кунда мактаб-интернатни битириб чиққан ёшларнинг маълум қисми Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида шартнома асосида хизмат қилмоқдалар. Бундан ташқари, мактаб-интернат битирувчиларининг аксарияти олий ўқув юртларига, жумладан, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришади. Ўтган йили 130 нафар битирувчидан 78 нафари олий ўқув юртларига қабул қилинди.

Мактаб-интернатда ўқувчиларнинг мунтазам спорт билан шуғулланиб, жисмонан бақувват бўлишлари учун футбол ва баскетбол майдончалари, турник, брус ва бошқа спорт анжомлари билан жиҳозланган гимнастика зали, замонавий югуриш йўлаклари мавжуд. Бундай қулайликларнинг самараси ўлароқ, ўтган йили Самарқанд шаҳрида ҳарбий ва ҳуқуқшунослик лицейлари жамоалари ўртасида ўтказилган «Амир Темур авлодлари» ҳарбий-спорт мусобақаларида мактаб-интернат жамоаси футбол бўйича иккинчи ўринни қўлга киритди. Шу билан бирга ўқувчилар фан олимпиадаларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Ҳуқуқшунослик ва кимё фанларидан Шоҳруҳ Абдулазизов ва Шуҳрат Эрназаровлар вилоят босқичида совринли ўринларни эгаллади.

— Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан мактаб-интернатимизни келгуси йилда капитал таъмирлаш режалаштирилган, — дейди муассаса директори Акбарали Ҳайдаров. — Бунинг учун ҳозирда лойиҳа, смета ҳужжатларини тайёрлаяпмиз.

У.САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

СУРАТДА: *мактаб-интернат ҳаётидан лавҳа.*

Қашқадарё вилояти

Ҳар бир ота-она фарзандининг ёзги таътил кунлари мароқли ва мазмунли ўтишини истайди. Шу боис, юртимизнинг сўлим ва хушманзара масканларида жойлашган болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида ҳар йили ёзги мавсумга қизғин тайёргарлик кўрилади.

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРГА МУНТАЗИР

— Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсон Ражабов. — Болаларни соғломлаштириш масалаларига «Ёшлар йили» Давлат дастурида ҳам алоҳида эътибор берилган. Шуни назарда тутиб, йил бошидаёқ вилоят ҳокимлиги ҳамда бирлашмамиз томонидан болаларни соғломлаштириш ва ёзги болалар оромгоҳларини мавсумга ҳозирлашга оид қўшма қарор қабул қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш бўйича бажарилган ишлар назорат қилиб борилди. Айни пайтда мавжуд болалар оромгоҳларининг барчаси болаларни қабул қилиш учун шай ҳолатга келтирилган.

Жорий йилда вилоятда 19 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатади. Уларнинг аксариятини йирик корхона ва фирмалар ўз тасарруфига олган. Мазкур оромгоҳларда мавсум давомида 30 минг нафарга яқин мактаб ўқувчилари ҳордиқ чиқаради ва соғломлаштирилади.

«Шўртангазкимё» мажмуасининг «Лочин», «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг «Ёш алангачи», «ЎзИ-Қарши» қўшма корхонасининг «Алоқачи», «Ўзбурғунефтгаз» давлат акционерлик компаниясига қарашли Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедициясининг Беруний номидаги, «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси тасарруфидаги Азизқориев номидаги ва бошқа қатор оромгоҳларда тубдан қайта қуриш ишлари олиб борилди. Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига қарашли «Ёшлик», «Гулнора», таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига қарашли Охунбобоев номидаги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва тармоқлараро фаолият кўрсатувчи Улуғбек номидаги оромгоҳларнинг моддий-техника базаси янгиланди.

Кейинги йилларда оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, биноларни таъмирлаш ва қайта қуришда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган, замонавий меъморчилик тажрибалари асосида тайёрланган лойиҳалардан фойдаланилаётгани диққатга сазовор.

«Лочин», «Ёш алангачи», Беруний номидаги оромгоҳларда катта миқёсдаги қурилиш ишларини олиб бориш режалаштирилмоқда. Бунинг учун тайёрланган лойиҳаларда ёзги павильонлар, айвонлар шинам ва кенг саҳнга эга бўлган кўпқаватли бинолар қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу лойиҳаларда болаларнинг ҳар томонлама гармоник ривожланишларига ёрдам берувчи спорт иншоотлари, маърифат хоналари ва томоша заллари бўлишига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Физиотерапия усулида даволаш учун мўлжалланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Автомобилчи», «Ёш алангачи», «Лочин» ва Азизқориев номидаги оромгоҳларга «санаторий типидаги оромгоҳ» мақоми берилган. Йил давомида фаолият кўрсатадиган мазкур оромгоҳларда қиш мавсумида ишчи-хизматчилар ташкилот ва корхоналар касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан соғлиғини тиклаб, дам оладилар.

Ёзги таътил даврида мактаб ўқувчиларининг дам олишларини ташкил этиш ва соғломлаштириш борасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йили Туркия, Украина ва Белорус давлатларидан келган болалар воҳа ҳудудидаги оромгоҳларда дам олиб қайтишган эди. Ўз навбатида вилоятимиздаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳам Туркиянинг Анталия шаҳридаги болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб келишди. Бундай ҳамкорлик алоқалари фарзандларимизда хорижлик тенгдошлари билан ўзаро дўстлик муносабатларини ўрнатишга, қардош халқлар тарихи ва маданиятини ўрганишга қизиқиш уйғотмоқда, десак янглишмаймиз.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

ушбу тадбирларда касб-ҳунар коллежларида ўқиш истагида бўлган ўқувчи-ёшларга тушунчалар берилди

Жиззах вилояти

Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшларни ўқитиш ҳамда мутахассисликка йўналтириш бўйича самарали машғулотлар олиб бориляпти.

Замонавий тарзда бунёд этилган таълим даргоҳларини қайта жиҳозлаш, уларда ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш билан узлуксиз шуғулланилмоқда.

Воҳадаги 3 та академик лицей ва 49 та касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган 40190 нафар ёшларнинг 9359 нафари саноқли кунлардан сўнг ўқишни тамомлаб, ишга йўлланма олади. Қолаверса, янги — 2008-2009 ўқув йили арафасида Ғаллаорол туманида янгидан қурилиб ишга тушириладиган академик лицей ва жойларда қурилиши поёнига етаётган 9 та касб-ҳунар коллежлари ҳам ўз бағрига ўқувчиларни қабул қила бошлайди. Барча имкониятлар тўлиқ ишга солингач, янги ўқув йилида қарийб саксон йўналиш бўйича 21499 нафар ўқувчи қабул қилинади.

— Айни чоғда вилоятимиздаги билим юртларида ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни» тадбирларида тўққизинчи синфни битираётган мактаб ўқувчилари ўқув шароитлари билан таништирилиб, улар танлаган касб бўйича тушунчалар берилмоқда, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг касбий таълим бўйича бўлим бошлиғи Бахтиёр Раҳимов. — Бундай тадбирлар вилоятдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари иштирокида ўтказилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Жиззах шаҳридаги санъат, тиббиёт, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежларида, Дўстлик ва Ғаллаорол туманларидаги тиббиёт ҳамда Зомин маиший хизмат касб-ҳунар коллежларида бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари ғоятда самарали кечди. Уларда ўқиш хоҳишини билдирган ўқувчи-ёшлар сони анча юқори бўлди. Ғаллаорол туманидаги Гулистон қишлоғи ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи 200 нафарга яқин ўқувчи билан ўз фаолиятини бошлаган бўлса, бугунги кунда унда саккизта йўналиш бўйича 539 нафар ўқувчи касб сирларини ўрганяпти. Шунингдек, Фориш, Янгиобод ва Жиззах туманидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари сони ҳам йил сайин ортиб бораётир.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, янги ўқув йили арафасида Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор, Зарбдор, Зомин ва Бахмал туманларидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари Япония грантлари ҳамда Жиззах енгил саноат, Зафаробод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари «Осиё Тараққиёти банки» грантлари асосида қайта жиҳозланади. Бундан ташқари, Ғаллаорол туманидаги саноат ва Учтепа қишлоқ хўжалик коллежлари Польшанинг, Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежлари эса Германиянинг кредитлари ҳисобига қўшимча равишда замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланади. Бу каби имтиёзлар, ҳеч шубҳасиз, ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларнинг халқ хўжалиги учун етук мутахассис кадрлар бўлиб камол топишлари учун кенг имконият яратади.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Фарғона вилояти

КОЛЛЕЖДА ЯНГИ МУТАХАССИСЛИК

Мамлакатимиздаги халқ таълими, маориф ва кадрлар тайёрлаш тизимидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугун мактаб битирувчилари жаҳон андозалари талабига жавоб берувчи, барча қулайликларга эга замонавий касб-ҳунар коллежлари ва академик-лицейларда билим олишни давом эттирмоқдалар. Ҳатто чекка қишлоқларда ҳам ана шундай ўқув масканларининг барпо этилаётгани янада қувонарлидир.

Фарғона транспорт касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон—Швейцария ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳасига доир тадбирлардан бири амалга ошди, яъни коллежда «Автоматлаштирилган тизимларни таъмирлаш, созлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш» мутахассислиги жорий этилди. Янги ўқув йилида мазкур йўналиш бўйича 30 нафар ўқувчи билим даргоҳига қабул қилиниши режалаштирилмоқда.

Лойиҳа доирасида «Иссиқликэнерго» маркази, «Фарғонаазот» ОАЖ билан шартнома тузилиб, ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва «Евро-Осиё Тапо диск» қўшма корхонаси билан ҳам узвий ҳамкорлик ўрнатиш борасида амалий ишлар олиб бориляпти.

А.ТУРСУНОВ,
Фарғона транспорт касб-ҳунар коллежи бўлим бошлиғи.

Тошкент вилояти



Бекобод шаҳридаги "Азия—ДЕСЕРТ" хусусий кичик корхонаси 2005 йилда ташкил этилган бўлса, шу вақтга қадар у ерда ишлаб чиқарилаётган тайёр, яримтайёр ва қандолат маҳсулотлари сифатлилиги билан истеъмолчилар ишончига кириб бўлди.

Ҳозирда ушбу кичик корхонада олти нафар киши доимий иш билан таъминланган.

СУРАТДА: *хусусий корхонанинг илғор ишчиларидан бири Муҳаббат Бекмуродова.*

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

«Молия хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт.

Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги ҳақида истеъмолчига ахборот бериши шарт.»

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддаси.

Ўқув

Бухоро вилояти

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ТАДБИР

Бухоро шаҳрида «Бизнесда муваффақиятларга эришиш йўллари» мавзусида бўлиб ўтган 20 кунлик ўқувда шаҳар маҳаллаларида истиқомат қилувчи 21 нафар ишсиз аёл қатнашиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашда зарур ҳисобланган билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

Ўқувда иштирок этган аёлларга тегишли сертификатлар берилди.

«Маҳалла» жамғармаси Бухоро шаҳри бўлинмаси, шаҳар бандликка кўмаклашувчи маркази, вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ўқувда ҳунар ўрганиш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашга иштиёқи бўлган хотин-қизлар танлаб олинди. Республика бозор кўникмалари маркази тренерлари, молия муассасалари мутахассислари, тадбиркорлар томонидан тадбиркорликни бошлаш, бозор муносабатлари шароитида фаолият юритиш, бизнес режа тузиш, ғояларни амалиётга татбиқ этиш, молия муассасалари билан ҳамкорлик қилиш мавзуларидаги машғулотлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўқувда қатнашган хотин-қизларнинг аксарияти шаҳарда фаолият кўрсатаётган кичик ва қўшма корхоналарга ишга жойлашдилар. Бу борада уларга ўқув ташкилотчилари ёрдам кўрсатишди.

— Машғулотларда қатнашиб, тадбиркорлик фаолиятига оид билим ва кўникмага эга бўлдим. Ташкилотчиларнинг кўмаги билан банкдан 1 миллион сўм миқдорида кредит олиб фаолиятимни бошлаш арафасида турибман, — дейди ўқув қатнашчиларидан бири Нигина Шамсиддинова.

Бундай ўқувлар вилоят туманларида ҳам бўлиб ўтаётир. Айни кунда «Ўз ишингни бошла» мавзусидаги ўқув машғулотига тайёргарлик кўриляпти.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Эҳтиёткорлик — шарт!

ДОНни ўтга бой бермайлик!

Мана, миришкор деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнати эвазига етиштирилган ғалла бошоқларидан хирмон уйишга киришиладиган палла ҳам яқинлашди.

Катта меҳнат маҳсули бўлган ғалла ҳосилини нобудгарчиликларсиз йиғиштириб олиш долзарб вазифага айланди. Йиғим-терим мавсуми ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки, ғалла — ризқ-рўзимиз. Шундай экан, нонимизни, донимизни ҳар қандай талофатдан, шу жумладан, олов, ёнғин хавфидан асраш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 майдаги «2008 йил бошоқли дон экини ҳосилини ўриб-йиғиб олишни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш борасида ишлаб чиқилган қатор вазифаларга асосан республика Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Бу чора-тадбирлар «Ғалла — 2008» ўрим-йиғим мавсумида етиштирилган ҳосилни ўз вақтида, неснобуд қилмасдан йиғиштириб олиш; ёнғинларга йўл қўймаслик, дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалардан иборат.

Шунингдек, бошқарма Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда даларни сомондан тозалашда кўпинча йўл қўйиладиган хато, яъни сомон поялари ва унинг қолдиқларининг ёқиб юборилишини қатъиян тақиқлаш мақсадида қўшма тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ходимлари томонидан республика ҳудудида жойлашган 317 та машина-трактор парклари мавжуд йиғим-терим техника воситаларининг ёнғин хавфсизлигига оид ҳолати мониторинги ўтказилди. Шунингдек, техникаларни мавсумга тайёрлаш борасида машина-трактор парклари ва хўжаликларнинг мутасадди ходимларига тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар берилди.

Жумладан, комбайнларнинг учқун ушлагичлари, ёнғин ўчиргичлари, брезент, сув идишлари, супурги каби ёнғинга қарши воситалар билан таъминланиши назоратга олинди.

Ғалла ўрим-йиғим мавсуми даврида донни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги техника ва механизмларини бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, ёнғинга қарши асбоб-анжомлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида ҳозирги кунда 3071 та учқун қайтаргич, 3825 та ёнғин ўчиргич, 455 та ёнғин ўчириш асбоб-анжомлари билан жиҳозланган комплект, 958 та тўплам ёнғин ўчириш енг ва дастаклари захираси жамланди.

Ҳудудида ғалла экилган 4092 та маҳаллалардан 2472 тасида 42960 нафар фуқаро иштирокида учрашувлар ўтказилиб, аҳолига ғалладан бўшаган майдонларга ўт қўймаслик, болаларни ғаллазор майдонларига киритмаслик тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, вилоятларда мавсум олдидан ўтказилган 115 та семинар кенгашларида ҳудудий ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари қатнашиб, улар томонидан ишлаб чиқилган 115 турдаги 122750 тиражда плакат, эслатма ва буклетлар тарқатилди ва булардан ташқари, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган 645 та плакат ва паннолар йўллар бўйига ўрнатилди.

Даврон ҚАМБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ катта муҳандиси, майор.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ИРОҚ:

МОСУЛДА ҚЎПОРУВЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Ироқнинг Мосул шаҳри полиция бошқармаси биноси олдида террорчи-камикадзе бошқарувидаги портловчи қурилма ўрнатилган машинанинг портлаши оқибатида 9 киши ҳалок бўлди, 46 нафар киши оғир тан жароҳати олди, дея хабар беради France Presse ахборот агентлиги.

Агентликнинг қайд этишича, бу портлаш шаҳар маъмурияти томонидан «Алқоида» гуруҳига қарши махсус операция бошлангандан буён амалга оширилган энг йирик қўпорувчилик ҳаракатидир. АҚШ сиёсатдонлари Мосулни террорчилар таъсири сақланиб келаётган сўнгги шаҳар, деб ҳисоблайдилар. Портлашдан бир оз олдинроқ Мосул «ал-қоида»чилардан «тозаланганги» хусусида хабар тарқатилган эди.

Аҳолиси сони бўйича Мосул Ироқдаги йирик шаҳарлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда унинг ҳудудида бир миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарнинг асосан суннийлар мазҳабига мансуб фуқаролар яшайдиган туманларида маҳаллий аҳоли «ал-қоида»чиларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

АҚШ:

Монтана ва Жанубий Дакотадаги праймериздан сўнг Иллинойс штати сенатори Барак Обама демократлар партияси номзодлари орасидан сайловолди беллашувларда айнан ўзи ғолиб чиққанлигини эълон қилмоқчи, дея хабар тарқатди The Washington Post сайти.

ОБАМА ВА ЧЕЙНИ ҚАРИНДОШ ЭКАНМИ?!

Обама журналистларнинг саволларига жавоб бера туриб, демократлар томонидан қўйиладиган ягона номзод сифатида ўзининг имкониятини «жуда юқори» деб баҳолади. Шунингдек, у демократлар номзод борасида тезроқ бирор қарорга келишса, республикачилар номзоди Жон Маккейнга қарши курашишда кўпроқ вақтга эга бўладилар, дея таъкидламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Барак Обама штатлардаги вакиллари ҳамда партия съездида иштирок этадиган обрўли сиёсатдонлар орасидаги тарафдорлари сони бўйича ҳам Хиллари Клинтондан устунлик қиляпти.

Хусусан, АҚШ вице-президенти Ричард Чейни кеча Барак Обама билан уни узоқ қариндошлик ришталари боғлаб турганлигини жамоатчиликка маълум қилди. Маълум бўлишича, Чейни билан Обаманинг аждодлари Америкага кўчиб келган дастлабки кишилардан экан.

ҲИНДИСТОН:

13 КИШИНИ ЯШИН УРДИ

Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгалия штатида сўнгги икки кеча-кундуз давомида тинимсиз чақмоқ чақиб турди. Яшин уриши оқибатида 13 нафар одам ҳалок бўлган.



РАТА-ТАСС агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, штатнинг учта маъмурий ҳудуди кучли момақалдироқ ва жала остида қолиб кетган. Бунинг оқибатида биргина Надиа шаҳрида 5 нафар фуқаро ҳалок бўлган.

Надиага қўшни Бурдван ва Бирбхум ҳудудларида эса 8 нафар киши табиий офат қурбонига айланган. Полициянинг фикрича, чақмоқдан азият чекканларнинг сони ҳали тўлиқ аниқланмаган. Бироқ айни пайтга қадар бир нечта одам турли кўринишдаги тан жароҳатлари билан шифохонага ётқизилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

Бўлинма фаолиятидан

Қорақалпоғистон Республикаси

Элликқалъа туманида фаолият юритаётган фуқаролар йиғинларининг деярли барчаси идора биноси, зарур техника ва алоқа воситалари билан таъминланган. Айни пайтда Бўстон шаҳридаги Тошкент маҳалласи фуқаролар йиғини учун бунёд этилаётган замонавий идора биноси ҳамда маҳалла гузари қурилиши ҳам поёнига етай деб қолди.

ЭЛ ЮМУШИ ЭЛНИ БИРЛАШТИРАДИ

ёхуд элликқалъалик жонкуяр инсонларнинг ибратли ишлари хусусида

Туман ҳудудидаги мавжуд 86 та аҳоли яшаш пунктида катта ҳаётий тажрибага, обрў-эътиборга эга бўлган инсонлар маҳалла оқсоқоли сифатида фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида турли мавзуларда ташкил этилаётган тадбирлар ва кўрик-танловлар уларнинг малакасини ошириб, фаолиятини янада жонлантириш учун хизмат қилмоқда. «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг намунали оталар чойхонаси», «Энг ибратли маҳалла жонкуяри» сингари кўрик-танловларда Амиробод овули оқсоқоли Шокир Сапоев, Ибн Сино номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сабит Нагметов, «Оталар чойхонаси» ташкилотчиси Роман Кенжаев, Бўстон маҳалласидаги «Жавҳар» кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Тўлеген Ургенчбоевлар ғолибликни қўлга киритиб, маҳалладошларига ўрнак бўлишди. Қолаверса, фуқаролар йиғинларининг жонкуяр оқсоқоллари ва фоалларининг саъй-ҳаракатлари билан қадриятларимизни эъзозлаш, халқимизнинг эзгу удум ва анъаналарини оммалаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам юқори кўрсаткичларга эришяпмиз.

Туманимизда оммавий ҳашарларни тез-тез ўтказиб туриш анъанага айланган. Энг муҳими, бундай хайрли тадбирларда туман аҳлининг ёшу кексаси баҳамжиҳат иштирок этяпти. Жорий йилнинг шу даврига қадар уюштирилган ҳашарлар давомида 200 тоннадан зиёд маиший ва қурилиш чиқиндилари махсус жойларга чиқариб ташланди, кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилди.

Фуқаролар йиғинлари томонидан Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари раҳбарлигида сўнгги икки йил мобайнида кам таъминланган оилаларга 400 бошдан ортиқ қорамол ҳадя этилди.

Овул ва маҳаллаларда спортни оммалаштириш, айниқса, ёшларни спорт машғулотларига янада кенгроқ жалб этиш масалалари ҳамиша диққат марказимизда. Буни туманимизда қисқа муддат ичида қуриб, фойдаланишга топширилган 3 та замонавий спорт мажмуаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай тадбирлар ёшларимизнинг қувончига сабаб бўлиш билан бирга, маҳалла оқсоқолларига йиғин ҳудудида спортни ривожлантириш бўйича тажриба мактаби ҳам бўлди, деб ўйлайман.

Мана, ўлкамизга ёз фасли кириб келди. Ўғил-қизларимизнинг ёзни соз ўтказишлари учун жойларда пухта тараддуд кўрилди. Жорий йилда ҳудудимизда фаолият кўрсатиб келаётган «Орол болалари» ва 2 та болалар оромгоҳи қаторига Сарибий овулидаги янги дам олиш маскани ҳам қўшилди. Эндиликда бу ерда бир вақтнинг ўзида 100 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни мароқли ва мазмунли ўтказиши мумкин.

Тўрабой АТАБОЕВ,
«Маҳалла» жамғармасининг Элликқалъа тумани бўлинмаси раиси.

Сўз — маҳалла оқсоқолига

Жиззах вилояти

Фахрга лойиқ файзли маскан

унинг ободлигида ҳар бир маҳалладошнинг ҳиссаси бор

Маҳалламиз ташкил қилинган пайтда унинг ҳудудида 78 та хонадон мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда 585 та хонадонда яшовчи қарийб тўрт минг нафар фуқаро маҳаллани обод масканлардан бирига айлантириб, фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Маҳалла ташкил этилган дастлабки кунлардаёқ ичимлик суви масаласи ҳал этилган эди. Аҳолининг фаол иштирокида ҳашар уюштирилиб, бурғилаш йўли билан қудуқ қазилиб, сув чиқарилди. Хонадонларга тортилган қувурлардан тоза обиҳаёт оқа бошлади. Аста-секин Ҳамзаобод деб номланган маҳалламиз ўз номига муносиб обод масканга айлана борди.

Маҳаллада 1140 ўринли мактаб, 300 ўринли болалар боғчаси кўп йиллардан буён фаолият юритиб келмоқда. Кўчалар асфальтланган, тунги чироқлар кўчаларни нурафшон қилиб турибди. Чойхона, қассобхона, сартарошхона ва новвойхона маҳалладошлар хизматида.

Умарқул Қобилов, Оқил Тошхўжаев, Мусурмон Ёқубов, Мамажон Искандаров ва Асқар Қобилов каби эл-юрт ишига фидойи инсонлар йиғинга раислик қилган йилларда маҳалла ҳудудида катта ободончилик ва бунёдкорлик ишларининг рўёбга чиққани алоҳида эътирофга жоиздир. Мамлакатимизда маҳалла тизими фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни маҳалламиз ҳаётига татбиқ этишда бу инсонларнинг ҳиссаси катта бўлган. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, бугунги кунда маҳалламизнинг обод ва фаровон масканга айлангани, шаҳардаги энг намунали ва кўркли маҳалалар қаторидан ўрин олгани маҳалладошларимизнинг қалбини фахр-ифтихорга тўлдиради.

Ўтган йили маҳалла ҳудудидан ўтган Қуллиниёз ариғининг маълум қисми бетонланган эди. Жорий йилда унинг қолган қисми ҳам шу тахлит мустаҳкамланиб, ариқ бўйига дарахт кўчатлари ўтқазилди. «Жиззахшаҳаргаз» корхонасининг ҳомийлик ёрдами билан 36 миллион 600 минг сўм маблағ эвазига маҳалладаги 1,5 километр узунликдаги газ қувурлари янгиланди.

Йиғин ҳудудида бир эмас, бир неча тикишбичиш ўқув курслари ташкил қилинган бўлиб, ўтган йил давомида 107 нафар қизлар ҳунарли бўлиб, ишга жалб қилинди. Айни чоғда 31 нафар оила касаначилик билан шуғулланиб, яхшигина даромад кўрмоқда.

Йиғин ҳузурида 7 та доимий комиссия ишламоқда. Мавжуд 22 та кўчанинг сайлаб қўйилган кўчабошилари бор. Маҳалламизнинг маърифий-маданий ҳаётида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Лола Раззоқовнинг алоҳида ўрни бор. Шунингдек, йиғин котиби Тиркаш Расулов, посбон Али Ёқубовлар ҳам маҳалламиз ҳаётидаги ҳар бир тадбир, юмушда ташаббускор, фаол. Умуман, маҳалламизнинг обод, файзли масканга айланишида ҳар бир маҳалладошимиз озми-кўпми ҳиссасини қўшган.

Неъмат ҚОБИЛОВ,
Жиззах шаҳридаги Ҳамзаобод маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Олам турфа

ХАСТАЛАР ҲАМ САЙРГА ЧИҚАДИ

Тиббиёт соҳасида таълим олаётган америкалик талабалар оғир хасталикка чалинган ва тўшакка «михланиб» қолган беморларни жойидан қўзғалишида ёрдамчи восита вазифасини ўтовчи ускуна ихтиро қилишди. Бу ўз навбатида беморларнинг узоқ ётиши натижасида юзага келадиган салбий оқибатларнинг олдини олишга ҳам имкон яратади.

Жонс Хопкинс университети маъмуриятининг хабар беришича, талабалар томонидан яратилган бу қурилма реанимация ёки терапия бўлимида даволанаётган беморлар танасига улаб қўйиладиган турли тиббий ўлчагич ва асбобларни ўчирмаган ва улардан ажралмаган ҳолда сайр қилиш имконини беради.

Одатда оғир хасталикка чалинган беморларни турли тиббий ускуналар, яъни сунъий нафас олдириш ускунаси ва юрак уришини назорат қилиб турувчи мониторларга боғлиқ ҳолда йўлак бўйлаб ҳаракатлантириш тўрт киши кўмагида амалга оширилар эди. Эндиликда эса бу вазифани биргина ускуна бажара олади.

ICU MOVER Aid номини олган мазкур қурилма ёрдамида бемор мустақил, бировнинг ёрдамисиз ҳаракатланиши, ҳатто тезроқ тузалиши ҳам мумкин.

«ТЕМИР ЎПКА» ПАНД БЕРДИ

Америкалик Диана Оделл полиомиелит хасталиги туфайли умрининг деярли 60 йилини сунъий нафас олиш ускунаси — «темир ўпка»нинг ичида ўтказиб, яқинда ҳаётдан кўз юмди.

АР ахборот агентлигининг хабар беришича, Оделл хоним электр манбаидаги узилиш туфайли нафас олиш ускунаси тўхтаб қолиши оқибатида вафот этган.

Диана Оделл Теннеси штатининг Жексон шаҳри яқинида оиласи билан истиқомат қилган. Полиомиелит хасталигига эса 3 ёшидан чалинган. Ўшанда қизчанинг нафас олишини таъминлаш учун уни бўйи 2 метр, 340 килограммли герметик металлдан тайёрланган ускунага жойлаштиришган эди. Диананинг фақат бош-бўйин қисмигина ускунадан ташқарида бўлган.

Диана умрини темир ускунада ўтказган бўлишига қарамай, мактабни, шунингдек, университет қошидаги масофали ўқитиш курсларини тамомлашга муваффақ бўлган. Бундан ташқари, Диана болалар учун мўлжалланган «Митти ёруғлик» («Less Light») номли китоб ҳам ёзган.

Қашқадарё вилояти

Кулолликнинг бешиксозлари



Маҳаллаларда миллий ҳунармандчилик анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Шаҳрисабз шаҳридаги Кулоллик маҳалласи фуқаролар йиғинида жойлашган кулолчилик, нақкошлик, бешик ва сандиқ ясаш, каштачилик ва зардўзлик устахоналарида ёшларга ҳунар ўргатилиши билан бир қаторда халқ истеъмоли учун зарур бўлган кийим-кечаклар, уй-рўзғор ва безак буюмлари ҳам ишлаб чиқариляпти.

СУРАТДА: *маҳалладаги бешиксозлик ва каштачилик устахонаси.*

Қ.АЗИЗОВ олган сурат.

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

Тошкент шаҳри

КАТТА ЧИЛОНЗОРнинг катта ибрати

Чилонзор туманидаги 2-Катта Чилонзор маҳалласи ҳудудида 5200 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Уларни хайрли мақсадлар йўлида бирлаштиришда маҳалла мутасаддилари, фаолларининг хизмати ва ҳиссаси катта.

Шунингдек, маҳаллада ободонлаштириш ишлари ҳам кенг миқёсда йўлга қўйилган.

— Маҳалладаги ободончилик, бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш юмушларида ёшларимизнинг нафақат фаол иштироки, балки ташаббускорлиги ҳам кўзга ташланяпти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Беккулов. — Хусусан, маҳалламиз ёшлари томонидан «Ҳар бир ёшга — бир ниҳол» шиори остида ҳудудимизга манзарали, мевали дарахт кўчатлари экилди. Янгидан гулзорлар барпо қиляпмиз. Йиғинимиз котиби Собир Ибрагимов, маслаҳатчи Манзура Мўминова, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Феруза Юсупова, профилактика нозирлари Одилжон Муродов ва Маҳаммаджон Мирзажоновлар ёрдамида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида бир қатор хайрли ишларни амалга оширдик. Жумладан, маҳалла кўчалари тунги чироқлар билан таъминланди. Йўлаклар асфальт қилинди. Шунингдек, ҳудудимизда кичкина деҳқон бозорини ташкил қилдик. 7 та янгидан қурилган болалар майдончаси кичкинтойларга хизмат қила бошлади.

Айни пайтда маҳаллада «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил даврини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиляпти.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

Эртанинг умиди

Сирдарё вилояти

МЕҲРИБОНИ БИСЁР БОЛАЛАР

Гулистон шаҳридаги 27-сонли Меҳрибонлик уйида бугунги кунда 84 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Улар учун масканда ҳамма шароитлар муҳайё: йўлаклар ва хоналарга мойиқдек юмшоқ гиламлар тўшалган, ётоқхоналарда оппоқ ғилофли, ораста ўрин-кўрпалар. Тарбияланувчиларнинг ейиш-ичишдан ками йўқ. Маданий-маърифий йўналишдаги турли тўгараклар ҳам ишлаб турибди. Бу масканни Гулистон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ва Гулистон Давлат университети ўз ҳомийлигига олган.

Ҳар йили ёзги таътил пайтида бу ерда тарбияланаётган болалар хушҳаво Зоминдаги ва Сирдарё бўйидаги сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришади. Жорий йилда ҳам «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини, шунингдек, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ёзги ҳордиғини ташкиллаштириш мақсадида 10 миллион сўм маблағ ажратди.

Меҳрибонлик уйи болалари ҳар уч ойда тиббий кўрикдан ўтказилади. Ўқитувчилар, тарбиячиларнинг бу масканда тарбия топиб, парваришланаётган кўнгли ўксикларга меҳрибонлиги болаларнинг уст-бошию юз-кўзидан яққол аён бўлиб турибди. Қолаверса, айни пайтда Гулистон шаҳрида мазкур Меҳрибонлик уйининг янги биноси қурилиши бошланган.

Меҳрибонлик уйи директори Матлуба Худойбердиева билан суҳбатимиз фақатгина масканда яратилган шарт-шароитлар хусусида кечмади.

— Болаларнинг кам-кўстсиз яшаши, тарбия олиши учун нима зарур бўлса, ҳаммаси бор, — дейди Матлуба опа. — Вақтида билим олиб, вақтида ҳордиқ чиқаришади, бўш вақтлари ҳам мазмунли ўтади. Улар ўйнайди, қувнаб-кулишади. Лекин уларнинг кулгуси, қувончида мунг, ўксиниш борлиги баъзан сезилиб қолади. Ахир, болаларнинг кўпчилиги ота-онаси ҳаётлиги, ўз манфаатини, оромини кўзлаб, енгил ҳаёт илинжида фарзандларини ташлаб кетганини билиб, англаб яшамоқда...

Масканда ташкил этилган турли тўгаракларнинг бирида бўлган машғулотда қатнашдим, болаларни суҳбатга тортдим. Уларнинг фикрлари турли-туман, болаларча беғубор. Айрим болаларнинг ота-онаси, оиласи бағрида яшаган пайтини эслаб, илк бор мактабга боргани, шаҳарга ота-онаси билан қўл ушлашиб сайилга чиққани, туғилган кунини оила даврасида нишонлагани ҳақидаги ҳикояларидан, ҳар бир сўзидан соғинч ҳисси ёғилиб турибди. Бу ерда тарбияланаётган болаларнинг 31 нафари ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган. 18 нафар боланинг ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, яна ўн саккиз нафарининг на отаси, на онаси ким экани номаълум.

Одатда, Меҳрибонлик уйида яшаб, вояга етаётган болалар ҳақида гап кетса, деразадан ташқарига термулиб, ота-онасини интизор кутаётган мурғак вужуд кўз олдимизга келади. Аслида бу бироз нотўғри тасаввур. Чунки бу болаларнинг орасида ўз ота-онасидан, яъники ичкиликка муккасидан кетган ёки инсоний қиёфасини йўқотиб маънавий таназзулга юз бурган энг яқин кишиларидан безган, улар билан яшагандан, Меҳрибонлик уйидаги ҳаётни афзал биладиганлари ҳам бор. Масалан, Олеся исмли 16 ёшли қизнинг «Мен келажакда онам билан учрашиб қолишдан қўрқаман, чунки у гиёҳванд. Мени ёмон ишларни қилишга мажбурлаши мумкин», деган сўзлари ҳар қандай киши қалбини ларзага солади.

Хуллас, бу маскандаги болаларнинг аксарияти ёшига нисбатан эрта улғайган, ҳаёт ҳақиқатларига тик боқадилар. Уларнинг сўзларида нолиш оҳанги эмас, эртанги кунга ишонч, билим олиш, касб эгаллаш йўлидаги интилишларида қатъийлик яққол сезилади. Лекин... бола учун, унинг мурғак қалби учун она меҳрига тенг келар нима бор дунёда?! Албатта, ҳеч нарса. Бу ҳақиқатни бу болалар ҳаммадан, чамаси ўз ота-оналаридан ҳам теранроқ англашади,

16 ёшли Наргиза эса онасига дил изҳорини шеърга солибди:

Онажон, оқшомги ошнинг олдини
Токчага қўйгансиз, менга илиниб.
Сизни кўрмоқ учун менда имкон йўқ
Фақат хўрсинаман, бағримни тилиб.
Сиз ҳам соғинарсиз балки мен каби
Келмайсиз, зорлигим билмайсиз гўё.
Онажон, тушунинг, ёлғиз мен эмас
Оналар меҳрига ташна-ку дунё...

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Хотира турнири

Жиззах вилояти

Дўстлик туманидаги «Машъал» фермер хўжалиги раҳбари Омон Абдуллаев эл-юрт равнақи йўлида меҳнат қилган жонкуяр инсонлардан эди. Фермер ўз хўжалиги тасарруфидаги 200 гектар ердан ҳар йили 60 центнердан ғалла, 40 центнердан пахта етиштирар, тажрибасини ёшларга ҳам ўргатиб келарди. Афсуски, ўтган йилнинг куз фаслида у автоҳалокат туфайли ҳаётдан кўз юмди.

ШАХМАТЧИНИНГ ТУҲФАСИ

Яқинда «Дўстлик ҳаёти» газетаси таҳририяти, Агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшмаси, туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Омон Абдуллаев хотирасига бағишланган шахмат турнири ўтказилди.

Хотира турнирида 30 нафарга яқин шахматчи ўзаро беллашди. Қизиқарли ва кескин курашлар остида ўтган мусобақада Улуғбек Норқулов биринчи, Улуғбек Пўлатов иккинчи ўринга сазовор бўлди. Ғолиблар I ва II даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбир сўнгида Улуғбек Норқулов ўзига мукофот тариқасида берилган рангли телевизорни тумандаги ёнғиндан зарар кўрган оилага тухфа қилди.

Хуршид НУРМАМАТОВ

Пиру бадавлатларимиз

ҒАЙРАТИЙда ИБРАТЛИ ОИЛА

маҳалладошларга ҳар томонлама ўрнак бўлиб келяпти

Юнусобод туманидаги Ғайратий маҳалласида истиқомат қилаётган Ходимат ака ва Муяссар опа Шариповалар оиласи ўрнак қилса арзигулик намунали оилалардан ҳисобланади.

Ушбу оилада 12 нафар фарзанд — тўққиз ўғил ва уч қиз ўсиб, вояга етишган. Бугун улар ҳам ўзларидан кўпайиб, Ходимат ака ва Муяссар опа 44 нафар невара, яна 11 нафар эваранинг суюкли бувасию буви бўлиб, кексалик гаштини суришмоқда.

— Фарзандларимизни оёққа турғизунга қадар турмуш ўртоғим билан кўп қийналганмиз. Бироқ барча муаммоларга биргаликда ечим топиб, ҳар доим бир-биримизга суянчиқ бўлдик, — дейди Муяссар опа. — Тинимсиз меҳнат қилиб, фарзандларимизни ҳам ҳалол меҳнатга, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлишга, борига қаноат қилиб, ақл-идрок билан иш тутишга ўргатдик. Ҳамиша яхши инсонлар, обрўли ва намунали оилаларни кўрганимда фарзандларим ҳам шуларга ўхшаб обрў-эътиборга эга бўлсинлар дея, ҳавас билан қараганман. Мана, худога шукр, қизларим ҳам, ўғилларим ҳам оиласида тиниб-тинчиб, касбу корли бўлиб аҳил яшашмоқда. Ҳар қандай ота-она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда.

Ҳар бир оиладаги шароит, тартиб-интизом иккинчисига ўхшамайди, оилада отанинг ўрни, онанинг рўзғор тутимига қараб ўзига хос бўлади. Нима бўлганда ҳам оиладаги муҳит соғлом бўлса-ю, эру хотин бир-бирига маслакдош бўлолсалар, оила қўрғони бир кун келиб мустаҳкам ва обод кошонага айланиши шубҳасиз.

Нигора ЖАЛИЛОВА

Эй сиз одамлар, эсиз одамлар...

ҚОНУНГА ЧАП БЕРГАН ПАНД ЕЙДИ

...Асака шаҳар деҳқон бозорига кираверишда турган кўзлари олазарак йигит рейд иштирокчиларининг диққатини торди. У безовталанганча ён-атрофга аланглар, ўтган-кетганларга астагина нималарнидир шипшиб кўярди. Ходимлар унга яқинроқ бориб, ҳаммасини аниқлаб олишди — йигит хорижий валюталар, яъни Россия рубли ва АҚШ долларини сотиб олиши ёки сотиши мумкинлигини айтиб, харидор қидираётган экан.

Балои нафс кишини не қўйларга солмайди, дейсиз. Афсуски, Комилжон Отабоев нафс балосига илинганини ўз вақтида англаб етмади, пул топишнинг осон йўлини танлади. У харидор Ф.га 1400 АҚШ долларини келишилган нархда сотаётганда «тумшуғидан илинди». Текширув чоғида долларфурушнинг ёнидан 5300 Россия рубли, 720 минг ўзбек сўми ва Ф.га сотмоқчи бўлган 1400 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди. Кўп миқдордаги хорижий валюталарни қонунга хилоф равишда олиш ва сотиш билан шуғуллангани учун К.Отабоев тегишли тартибда жиноий жавобгарликка тортилди.

Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Туячи маҳалласида яшовчи Ж. исмли шахс ҳам устаси фаранглиқда Комилжондан қолишмас экан. У ўз хонадонида яширин цех ташкил этиб, қўлбола усулда ароқ тайёрлашни йўлга қўйди. Яхшиямки тартиб посбонлари унинг ноқонуний фаолиятига ўз вақтида чек қўйишди. Бўлмаса, у тайёрлаган сифатсиз спиртли ичимликлар қанчадан қанча инсонларнинг соғлиғига путур етказиши мумкин эди. Сохта тадбиркор қалбаки акциз марка ёпиштирилган 20 та шишадаги спиртли ичимликни ҳамда «Ўзбекистон портвейни»ни фуқаро А.Раҳмоновга 37500 сўмга пуллаётган вақтда қўлга олинди. Унинг хонадони кўздан кечирилганда сотиш учун тайёрлаб қўйилган қўлбола ароқ маҳсулотлари ва юз донадан зиёд бўш шишалар ашёвий далил сифатида олинди. Айни пайтда нафс исканжасига тушиб, қинғир ишга қўл урган фуқаро қонун олдида жавоб бермоқда.

— Ҳамюртларимиз қонунларга бўйсуниб, уларни ҳурмат қилган ҳолда тадбиркорлик билан шуғуллансалар, бундан ўзлари ҳам, давлатимиз ҳам манфаат кўради, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларни ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Асака тумани бўлими инспектори Анваржон Мамажонов. — Аммо кўриб турганингиздек, айрим фуқаролар амалдаги қонунларга чап бериб, бойлик орттириш пайидан бўладилар. Албатта, бу йўлни танлаганлар узоққа бормайди.

Халқимизда қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган мақол бор. Ҳалол меҳнат ортидан бола-чақа боққан, обрў-эътибор топган қаёқда-ю, қинғир ишнинг бошини тутиб, ишқилиб, фош бўлиб қолмасмиканман, деб юрак ҳовучлаб яшаган қаёқда. Буни тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган ҳар бир шахс яхши англаб олмоғи лозим.

У.САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ўзбек миллий академик драма театрида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган миллий рақс ижрочилиги бўйича ёш раққосаларнинг республика танлови якунланди.

Миллий рақс санъатимизнинг атоқли намояндаси Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб ҳар йили юртимизда мунтазам ўтказиб келинаётган ёш раққосалар кўрик-танлови мазкур соҳадаги истеъдод эгаларини катта сахнага олиб чиқишга қаратилган.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, биринчи ўринга «Сирдарё наволари» ашула ва рақс ансамбли раққосаси Наргиза Бектемирова, иккинчи ўринга Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабаси Малика Қурбонова, Муҳиддин Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси қошидаги «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли раққосаси Дилфуза Қодировалар сазовор бўлишди. Учинчи ўрин Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри раққосаси Дурдона Исманова ҳамда «Айқулаш жулдизлари» Қорақалпоқ Давлат миллий фольклор ансамбли раққосаси Қаллигул Сарсенбоевага насиб этди.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Мозийдан мерос иншоотлар

ОТА ДАРВОЗА ОВОЗАСИ

Олимлар олиб борилган археологик қазишмалар ва илмий изланишлар натижасида Хива қалъаси эрамиздан аввалги VI-V асрларда бунёд этилган, деган хулосага келишди. Афсоналарда мазкур қалъа Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом томонидан барпо этилгани айтилади. Қалъа деворига лой қориш учун сув зарур бўлиб, қудуқ қазилади ва уни «Хивақ» деб аташади. Кейинчалик бу атама шаҳар номланишига ҳам асос бўлади.

Баландлиги 7-8 метр, узунлиги 2200 метр бўлган қалъа деворининг ҳар 40 метрида кунгуралар ясалган. Кунгуралар ғоят мустаҳкам қурилган бўлиб, унинг устидаги майдончалар жангу жадаллар чоғида қалъа ҳимоячилари учун қулай мудофаа вазифасини ўтаган. Деворнинг тепа қисмидаги махсус туйнуклардан эса душманга қарата ўқ отиш мумкин бўлган.

XVIII аср ўрталарида Хива ташқи томондан ҳандақ билан ўраб олинган. Шаҳарга фақат шарқ томондан — кечалари кўтариб қўйиладиган кўприк ва дарвоза орқали кирилган. XIX асрга келиб қалъа дарвозалари сони тўрттага етказилган. 1842 йилда Оллоқулихоннинг буйруғи билан шаҳар янада каттароқ девор билан ўраб олинади. Натижада эски шаҳар ичкарида қолиб, маҳаллий тилда Ичан-қалъа номини олади. Икки девор оралиғидаги шаҳар эса Дишон-қалъа номи билан аталади. Дишон-қалъанинг ўнта дарвозаси бўлган.

Шаҳар дарвозалари ҳақидаги тарихий ҳужжатларда шундай маълумотлар келтирилади: «1866 йил охирида явмут авбошлари ҳужум этиб келиб, Хиваҳ атрофини чоптилар. Хон ҳазратларининг буйруғи билан аскарлар тўпланиб, явмутга қарши кураш бошланди, шаҳардан ҳам бир микдор пиёда қоратаёқ бўлиб чиқди». Урушда явмутлар енгилиб, кўплари асир олинган ва улардан 30 нафари Арк зиндонида, 30 нафари Ота, 36 нафари Паҳлавон, 44 нафари Боғча, 36 нафари Қибла дарвозаларида маҳбус сифатида сақланган.

Ота дарвоза Ичан-қалъанинг ғарбий қисмида жойлашган. Тарихий маълумотларга қараганда у Элтузархон томонидан (1804-1806 й.й.) пишиқ ғиштдан қурилган. Хонлик даврида дарвоза ичида саррофхона (пул айирбошлаш шохобчаси) ва божхоналар бўлган. Дарвозанинг бундай номланишига унинг қошидаги Шермуҳаммад ота масжиди ва ҳовуз номи ҳам айнан шундай экани сабаб бўлган. Йиллар ўтган сайин бу ном қисқартирилиб, ҳовуз ва дарвоза Ота дарвоза, Ота ҳовуз деб атала бошланган.



Ўлкашунос тарихчи Бобожон Сафаров (Сафарзода)нинг қайд этишича, шаҳарда аҳолини сув билан таъминлаш мақсадида учта ҳовуз қазилган. Ушбу ҳовузлар Полвон, Боғча ва Ота номи билан аталиб, кейинчалик уларнинг ёнидаги дарвозалар ҳам шундай аталган. Бироқ қалъа ва унинг тўрт дарвозаси аслида ҳовузлардан анча илгари қурилган бўлиб, аввал қандай номлангани маълум эмас. Кейинги даврларда Раҳимқулихон Боғча дарвозасини, Саййид Муҳаммадхон Ангарик дарвозасини буздириб, деворларини тошдан қайта қурдирган. Шу сабабли Ангарик дарвоза Тош дарвоза номини олган бўлса, ажаб эмас.

Ота дарвозанинг узунлиги 10 метр, эни 4 метр. Унинг тўртта асосий хонаси бўлган. Афсуски, дарвоза XX асрнинг 20-йилларида йўлни кенгайтириш баҳонасида бузиб ташланган. 1968 йилда Хива музей-қўриқхона деб эълон қилиниши ҳамда шаҳарга келаётган сайёҳлар сонининг ортиб бориши билан дарвозани қайта тиклаш зарурияти пайдо бўлди. 1975 йилда дарвоза ўз ўрнида ва асл кўринишида Самандар уста Қаландаров бошчилигида тикланди. Лекин илгариги дарвозанинг эшиклари йўқолиб кетгани туфайли бошқа эшик ўрнатилди. Буни қарангки, дарвозага келтириб ўрнатилган эшиклар ҳам ўзига хос тарихга эга экан. Унинг тарихини эшиклардаги ёзувлардан билиб олиш мумкин. Ёғоч ўймакорлиги санъатининг ноёб намунаси бўлган ушбу дарвоза қопулари (эшиклари, таваҳаси)нинг юқори қисмида бир хил ўлчамдаги (85х85см) тўртбурчак ичига айлана чизилган. Айланалар ичида марказга тортилган узун-узун чизиқлар мавжуд бўлиб, улар катта ва кичик иккита саккиз қиррали юлдузни ҳосил қилади. Чизиқли нақшлар орасига араб алифбосида Қуръони Карим оятлари ва тарих саналари битилган.

Дарвозанинг ўнг таваҳасига «Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм, йо ҳаййи (ҳамиша тирик), йо қаййум (абадий), йо Оллоҳ», сўзлари ва 1266-1267 (1850-1851) санаси ёзилган. Ушбу тарихий санадан унинг Муҳаммад Амин Баҳодирхон даврида ясалгани маълум бўлади. Огаҳийнинг «Жоми ул-воқеоти Султоний» асарида Муҳаммад Аминхон Ангарик қишлоғида ўзига ҳовли қурдиргани ва у битказилганда элга катта тўй бергани ҳақида маълумотлар берилган. Ота дарвозасига келтириб ўрнатилган эшиклар айнан ўша ҳовлига тегишли эканини тасдиқловчи иккита фотосурат Хива музейи архивида сақланмоқда. Ушбу суратларни биринчи ўзбек кинооператори, фотограф Худойберган Девонов олган ва сурат остига «Муҳаммад Аминхоннинг Ангарикдаги ҳовлиси», деб ёзиб қўйган. Фотосуратларнинг бири узоқ масофадан туриб олинган. Шунинг учун унда ҳовлининг олд томондан кўриниши тўлиқ тасвирланган. Иккинчи расмда ҳовли дарвозаси яқиндан суратга туширилган. Унда эшиклардаги нақш ва ёзувлар аниқ кўринади ва улар ҳозирги кунда Ота дарвозага ўрнатилган эшиклар эканини тасдиқлайди. XX асрнинг ўрталарига келиб Муҳаммад Аминхоннинг ҳовлиси эскириб, нураб кетган, унинг сақланиб қолган эшиклари эса Ота дарвозасига олиб келиб ўрнатилган.

Тарихдан Муҳаммад Аминхон мард, паҳлавон ва баҳодир хон бўлгани маълум. Гарчи хоннинг ҳовлиси бузилиб кетган бўлса-да, унинг мустаҳкам ва безакдор дарвозаси ҳозирги кунда қадимий шаҳарнинг бош дарвозасига айланган ва энг ажабланарлиси, Муҳаммад Аминхон мадрасаси қаршисидан жой олган.

К.ХУДОЙБЕРГАНОВ,
«Ичан-қалъа» музей-қўриқхонаси тарих бўлимининг мудири, тарих фанлари номзоди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Мазкур бурж вакиллари шу кунларда ташаббускорлиги туфайли олқиш ва мақтовларга сазовор бўлишади. Барчанинг диққат-эътиборида бўлиш сизга катта масъулият юклашини унутманг.

СИГИР(22.04-20.05)

Режалаштирган ишларингизнинг уддасидан чиқиш учун анча-мунча машаққат чекишингизга тўғри келади. Бироқ умидсизланманг, меҳнатларингиз ўз самарасини беради.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Кўпроқ яқинларингиз ва оила аъзоларингиз даврасида бўлишга ҳаракат қилиб, соғлиғингизга жиддий эътибор беринг. Ахир соғлиқ — туман бойлик, деб бежиз айтишмаган.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Сизни ажойиб янгиликлар ва хурсандчиликлар кутламоқда. Бахтли дамларингизни дўстларингиз билан бирга ўтказинг. Шунда ҳаёт сизга янада гўзалроқ кўринади.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда ҳаётингизда кескин ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда. Кескин вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш сиздан ирода талаб этади. Муҳими, ўз ақлингиз ва сезгингизга ишонинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Иш жойингизда ҳамкасбларингизга нисбатан хушмуомала бўлишга ҳаракат қилинг. Чунки лавозимингизни ошириш билан боғлиқ масалада уларнинг фикри муҳим рол ўйнаши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Руҳий ва жисмоний чарчоқларингизни чиқариш учун дам олиш кунларида табиат қўйнига сайр қилганингиз маъқул. Унутманг, бу саломатлигингиз учун жуда фойдали.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Иқтидор ва имкониятларингизни синаб кўриш учун қулай фурсат яқинлашди. Ундан унумли фойдаланиш эса ўз қўлингизда. Муаммоларга чалғимай, бор кучингизни ишга солинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Анчадан буён қийнаб келаётган молиявий муаммоларингизни яхши кишиларнинг кўмаги билан бартараф этасиз. Яқинларингизнинг кўнглини олинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ҳадеб ўз ақлу фаросатингизга ишонавермай атрофдагиларнинг маслаҳатига ҳам қулоқ тутинг. Дам олиш кунлари муҳим қарорлар қабул қилмаганингиз маъқул.

КОВҒА (20.01-18.02)

Ҳаёт фақат ташвишу муаммолардан иборат эмаслиги ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг. Яхшиси, яқин дўстингиз ёки қариндошингизникига меҳмонга боринг, ғам-ташвишлардан халос бўласиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Таваккал қилган ишингиз бароридан келмагани ҳаммаси тамом, дегани эмас. Яна бир бор уриниб кўринг. Иккинчи уриниш сиз учун омадли бўлиши аниқ.

Қашқадарё вилояти

ЗАҲИРА ШВЕЙЦАРИЯГА БОРАДИ

Заҳира Қарши шаҳридаги 17-кар болалар махсус мактабининг 7-синфида таҳсил олади. Шу билан бирга у спортнинг шахмат турига жуда қизиқади. Тажрибали устози Мавлон ака Турдиев унга шахмат сирларини мукаммал ўргатмоқда.

2006 йил шахмат бўйича кар болалар ўртасида ўтказилган мусобақада Заҳира Ўзбекистон чемпиони бўлган эди. Жорий йилнинг февраль ойида Янгийўл шаҳрида ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида ҳам у яна ғолибликни қўлга киритди ва шу йил 19 июлдан 1 августга қадар Швейцарияда ногиронлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш учун йўлланма олди.

Э.ҚУРБОНОВ

Тошкент шаҳри

Замонавий қулайлик

Бахт ўрамида болалар майдончаси

Юнусобод туманида жойлашган Аҳмад Дониш номидаги маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Насриддин Турсуновнинг йиғинга қарашли 140 хонадондан иборат Бахт ўрами ҳудудидаги ташландиқ ер ўрнида ҳашар йўли билан «Болалар майдончаси»ни бунёд этиш ташаббуси маҳалла аҳли томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада 4 сотихли ер тартибга келтирилиб, атрофи панжара билан ўралди.

Шунингдек, майдончага болалар арғамчилари ва бошқа спорт ускуналари ўрнатилди. Улар ранг-баранг бўёқларда бўялгач, майдонча янада чирой очди.

Ёшлар йилида бунёд этилган ушбу «Болалар майдончаси»нинг очилиш маросими чинакам байрам тусини олди. Унда Аҳмад Дониш номидаги маҳалла оқсоқоли Турсунбой Ўтбосаров сўзга чиқиб, Бахт ўрами аҳлининг уюшқоқлигини алоҳида таъкидлади ва уларга ўз миннаддорчилигини билдирди. Ушбу «Болалар майдончаси»нинг очилиш маросимида иштирок этган туман ҳокимлиги вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши ходимлари ва бошқалар маҳаллада амалга оширилаётган ишлар самараси ҳар жабҳада кўзга ташланиб турганини қайд этиб ўтишди.

— Бизнинг маҳалламизда болажон инсонлар кўп топилади, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Нуриддин Турсунов. — Жорий йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши улар учун айни муддао бўлди. Ҳозирда фаоллар маҳалла ёшлари учун бўш иш ўринларини кўпайтириш мақсадида хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бугунги тадбирда ҳам болажонларнинг юзидаги қувончни кўргач, майдончани бунёд этишда ҳисса қўшган фидойи маҳалладошларимиз чарчоқларини унутиб юборишди.

Тадбир сўнгида болажонларга ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

Азиз БОБОХОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Доноларнинг дурдона фикрлари

Андишали ва хулқи покиза кишилар софликка интилади. Андишали киши ўз кўнгил истакларини тийишнинг уддасидан чиқади. Андишасиз нуқсонли ва нопокдир.

Юсуф Хос ХОЖИБ

Инсон умрини белгиловчи вақт лаҳзага тенг. Унинг моҳияти мангу ҳаракатдир. Сезги — ноаниқлик, қалб — беқарорлик, тақдир — сирлилик демак. Шон-шуҳрат эса ишончсиз нарса. Ҳаёт кураш ва саргардонлик демакдир.

Марк АВРЕЛИЙ

Сабр билан кўп мушкул ишлар осон кўчади. Ишда шошган кўп тойилади; кўп тойилган кўп йиқилади.

Алишер НАВОИЙ

Бир нарсани айтиш қийин: қатъиятсизлик кўпроқ раҳмшафқатга лойиқми ёки нафратгами? Нотўғри қарор қабул қилиш хавфлими ёки умуман ҳеч қандай қарорга келмасликми?

ЛАБРЮЙЕР

Дангасалик зангга ўхшайди. Нарсалар кўп ишлаш оқибатида эмас, зангдан тезроқ емирилади.

Бенжамин ФРАНКЛИН

Баҳром КАЛОНОВ чизган расмлар.

Зарегистрированное в МЮ РУз ЧФ «AYDIT-MRA» (ИНН 203810890) расположенная по адресу г. Ташкент массив Госпитальное 7а кв-15 ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по тел: 799-13-00.

ЧФ «AL-LAZIZ» Яккасарайского района г. Ташкента ликвидируется. (ИНН 202679097) Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня публикации по адресу: г. Ташкент ул. Чўпонота, 7 дом. тел: 477-24-72.

ЧП «NEO FLORA NUROBOD» зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте М.Улугбекского р-на г. Ташкента ликвидируется. (ИНН 206143833)
Притензии принимаются в течение 2-х месяцов со дня публикации по тел: 262-55-17.

Тошкент шаҳар темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи томонидан 2005 йилда Т №176688 рақамли Турдиева Дурдона Тагировна номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ДП «BALTON TRADING (ASIA)», (ИНН 201079149, ОКПО 15465578), зарегистирированная в МЮ РУз, в соответствии с Решением учредителя № 1 от 2 июня 2008г. объявляет о преобразовании в СП ООО «BALTON TRADING (ASIA)».
Правопреемником всех прав и обязательств ДП «BALTON TRADING (ASIA)» является СП ООО «BALTON TRADING (ASIA)».Тел. для справок (371) 244-99-54.

Утерянную круглую печать и угловой штамп выданные на ЧФ «AL-LAZIZ» Яккасарайского р-на г.Ташкента считать недействительными.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Шаҳноза Эргашева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 4 июнь 23 (625)

17190 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-520 Топширилди — 22.30
1 2 3 4 6